



## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko'chasi 57.**

2022 - yil «23» - sentabr

589-6-0-Q/22

Namangan viloyati hokimligi

### **Наманган вилояти ҳокимлигида давлат харидларини амалга ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Вилоят ҳокимлигида маҳаллий бюджет маблағларини ортиқча сарфланишининг олдини олиш, арзон ва сифатли товар-моддий бойликларини харид қилиш, харид жараёнларидаги афилланганлик ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлар тўғрисида”ги ЎРҚ–684-сон Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори ҳамда вилоят ҳокимининг “Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда вилоят ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларда давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 6 сентябрдаги 136-6-0-F/22-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Наманган вилояти ҳокимлигида давлат харидларини амалга оширишда танлов (тендер) ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи харид комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Харид комиссияси раиси (Т.Юсупов):

доимий комиссия иш фаолиятини ташкил этиш ҳамда вилоят

хокимининг 2022 йил 6 сентябрдаги 136-6-0-F/22-сон фармойиши билан тасдиқланган “Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда вилоят ҳокимлигига бўйсунувчи муассасаларда давлат харидларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ харидларни шаффоф ва ошкора амалга оширилишини таъминласин.

### 3. Харид комиссияси аъзолари:

товарлар, ишлар ва хизматларнинг давлат харидини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни асосида амалга оширсин;

давлат харидларини кўриб чиқиш ҳамда танлов ўтказиш жараёнида холис бўлиш ва харид қилиш тартиб-таомилларида ғолибни танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни танлашда харид комиссияси фаолиятининг шаффофлигини таъминласин;

ҳар бир ўтказилган танлов якунлари бўйича харид комиссияси йиғилиш қарорларини баённома орқали расмийлаштирсин.

### 4. Белгилансинки:

харид комиссияси ишининг асосий мақсади, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат;

харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин, харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас;

харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Зарур ҳолларда, мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳақозолар) шаклида ҳам ўтказилиши мумкин;

танлашни ўтказишда харид комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт;

харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қилади, у харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради, овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди;

Харид комиссияси раиси йўқлигида унинг вазифаларини раис ўринбосари бажаради;

энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклда ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга;

Белгиланган тартибга мувофиқ, овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда харид комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади;

Харид комиссиясининг ишчи органи вазифасини вилоят ҳокимлигининг Ишлар бошқармаси амалга оширади.

5. Товарлар, ишлар ва хизматларнинг харидлари бўйича ўтказилаётган танлов ишларини амалга оширишда иштирокчиларнинг афилланганлик ва манфаатлар тўқнашувига қўй қўймаслик, шаффофлик ва очиқлик тамойиллари асосида ўтказилиши, қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун шахсий жавобгарлик харид комиссияси раиси ва аъзолари зиммасига юклатилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатининг 23-банди талаблари асосида вилоятнинг вилоят бюджети захира фондидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган танлаш харид комиссиясининг иштирокисиз ўтказилади.

Бунда:

харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) суммаси бир молия йилида базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари миқдоридан ошмаслиги керак;

ғолиб вилоят ҳокимлиги томонидан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирмасдан, очиқ ахборот манбаларидан олинган нархларни солиштириш йўли билан ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) потенциал етказиб берувчиларидан нархларни сўраш йўли билан аниқланади;

расмийлаштирилган ҳужжатлар, тузилган шартномалар ва уларга доир қўшимча келишувлар тўғрисидаги ахборот улар расмийлаштирилган ёки тузилган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай вилоят ҳокимлигининг электрон тизим оператори томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

7. Вилоят ҳокимлигининг Ишлар бошқармаси (Ж.Каюмов) давлат харидлари орқали ўтказилган танлов (тендер) якунлари бўйича ғолиб бўлган субъектлар билан шартнома тузишда, мажбурий равишда вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими ва юридик хизматининг тегишли ижобий хулосаси (визаси) олингандан сўнг, шартнома имзоланишини таъминласин.

8. Харид комиссияси аъзолари ҳамда давлат харидлари электрон тизимининг оператори (Д.Хусанбоев)га:

ички танлов ёки электрон тарзда ўтказиладиган танлов (тендер) жараёнларида иштирокчилар томонидан тақдим этилган таклифларни кўриб чиқишда уларнинг ўзаро афилланганлиги ҳолатини текшириш;

харид жараёнларида афилланганлик ҳолатлари аниқланса ёки манфаатлар тўнашувини келтириб чиқарса, иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш мажбурияти юклатилсин.

9. Вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими (Д.Эрматов):

танлов ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолаш ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашда харид комиссияси фаолиятининг шаффофлиги бўйича назоратни кучайтириш чораларини кўрсин;

харид комиссияси томонидан афилланганлик ҳолатлари текширилмасдан, рақобат муҳитини чеклашга қаратилган, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқарадиган харидлар амалга оширилган тақдирда, масъул шахсларга тегишли чора кўриш юзасидан вилоят ҳокимига таклиф киритиб борсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Т.Юсупов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov

Namangan viloyat hokimining  
2022 yil 23 sentabrdagi  
589-6-0-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

## Наманган вилояти ҳокимлигида давлат харидларини амалга оширишда танлов (тендер) ўтказиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи

### харид комиссияси

#### ТАРКИБИ

т/р	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Т.Юсупов	Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи, <b>комиссия раиси</b>
2.	Ж.Каюмов	Вилоят ҳокимлигининг Ишлар бошқарувчиси, <b>комиссия раиси ўринбосари</b>
3.	А.Бабамирзаев	Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси, <b>комиссия аъзоси</b>
4.	Б.Сулайманов	Вилоят ҳокимлигининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
5.	Д.Таджиходжаев	Вилоят ҳокимлигининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва қўқаламзорлаштириш масалалари котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
6.	А.Муминов	Вилоят ҳокимлигининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
7.	У.Юнусов	Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
8.	Т.Боймирзаев	Вилоят ҳокимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлари масалалари котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
9.	М.Абдуразаков	Вилоят ҳокимлигининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
10.	О.Расулов	Вилоят ҳокимлигининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
11.	Р.Кутбиддинов	Вилоят ҳокимлигининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
12.	М.Улуханов	Вилоят ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
13.	Э.Маматқулов	Вилоят ҳокимлигининг Тадбиркорлик гуруҳи раҳбари, <b>комиссия аъзоси</b>
14.	О.Исматов	Вилоят ҳокимлигининг бош ҳисобчиси, <b>комиссия аъзоси</b>
15.	А.Абдаев	Вилоят ҳокимлигининг хўжалик мудир, <b>комиссия аъзоси</b>
16.	А.Атаханов	Вилоят ҳокимлигининг Ишлар бошқармаси бош мутахассиси, <b>комиссия котиби (овоз бериш ҳуқуқсиз)</b>

*Изоҳ: Харид комиссияси таркибидаги аъзолари бошқа ишга ўтиши муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра иштирок эта олмаган тақдирда ушбу лавозимга янги тайинланган ёки унинг вазифаларини бажараётган масъул шахс комиссия аъзоси ҳисобланади. Харид комиссияси таркибига харид қилиб олинаётган товар-моддий бойликларнинг ёки кўрсатилаётган ишлар (хизматлар)нинг тури бўйича тегишлилиги юзасидан комплекс, бошқарма ва ташкилотлар мутахассислари ёки*

*экспертлар жалб этилиши мумкин.*